*Истиқлолимизнинг 8 йиллиги олдидан*

# ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА

**Бугунга келиб ипакнинг бу тури унутилиш даражасига келиб қолган эди. Қадимда кўпинча ташлаб юбориладиган, маҳаллий тилда «пачоқ» деб айтиладиган пастки нав пилладан ноёб матолар тўқилган. Дунёда учинчи бўлиб (Япония ва Италиядан сўнг) Ўзбекистонда, аниқроғи, Наманганда «Силк Роад» қўшма корхонасида ана шундй турда тўқимачилик саноати махсулоти олиш йўлга қўйилди. Бунга истиқлолимиз, у яратган имкониятлар шароит яратмоқда. Натижада миллионлаб сўм қўшимча маблағ топишга эришилмоқда, ипакчилик маҳсулотларимизга барака кирмоқда.**

## НОЁБ ТЕХНОЛОГИЯ

**Наманганда ги «Силк Роад» қўшма корхонасида дунёда учинчи бўлиб чиқинди пилладан ўта зарур матолар олиш йўлга қўйилди**

Шаҳарнинг қоқ марказидан, истироҳат боғидан кун чиқар томонга қараб йўналган Бобур шоҳ кўчасининг адоғида, «Лола» автомобил бош бекатига ета беришда, бир маҳаллар довруқ қозонган Наманган аврли газламалар комбинати қошида мазкур корхона ташкил этилишининг ўзига хос тарихи бор. Бундан ўн-ўн беш йиллар илгари олис Япониядан вилоятга бир гуруҳ меҳмонлар ташриф буюрганлиги, улар халқ хўжалигининг турли тармоқлари билан танишганлиги, бу кун чиқар элда пиллачилик ривожланган эмасми, бинобарин, аврли газламалар комбинатига ҳам қадам ранжида қилганликлари ҳақида гап тарқалди. Зеро, вилоят ва шаҳар раҳбарларининг меҳмонларга бу ерни кўрсатганликлари бежиз эмас эди. 50-60 гектарлик улкан майдонни эгаллаган саноат тармоғида ёлғиз шаҳар билангина чекланмасдан унинг атрофидаги туманларнинг қишлоқларидан ҳам юзлаб йигит-қизлар келиб ишлашар, комбинат янгигина ишга тушганлигидан ҳар қанча мақтанса, фахрланса арзийди. Ўшанда делегация таркибидаги япон мутахассисларидан бири маҳаллий тилда «пачоқ», ипакчиликда эса «чиқинди» деб айтиладиган пилланинг яроқсиз қисмини ҳудабеҳуда ташлаб юборилаётганини кўриб ачиниш билан бош чайқаган, нима учун улардан фойдаланмаётганлигини суриштирган, иложи бўлса, ўзларига сотишларини сўраган экан. Ўшанда кўплар бу гапга ишонишмаган, одатда ҳазилкашлар тўқиб юрадиган латифалардан деб ўйлашган.

Шамол эсмаса дарахтнинг япроғи қимирламайди, деганларидек, қарангки, ўша «миш-миш»лар рост бўлиб чиқди. Сувни кўрибгина этик ечишга ўрганган японлар Наманганда кўрганларини эсларида сақлаб қолишган, қулай фурсат келишини кутиб туришган экан. Ниҳоят Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач ва мамлакатимиз кўпгина давлатлар билан иқтисодий соҳада ҳамкорлик қилишга ўтгач, ана шу масала қайта қўзғолди. Музокаралар бошланди. Япон мутахассислари Наманганга, наманганликлар эса бир неча бор олис кун чиқар мамлакатига бориб келишди. Масалан, комбинатда анча йиллардан бери ишлаб ипакчилик бўйича етарли тажриба орттирган ўнга яқин инженер-техник ходим маълум муддат япон ипакчилик саноати билан танишиб, чиқинди пиллани қайта ишлаш технологиясини ўрганди. Ҳозирги қўшма корхонага раҳбарлик қилаётган Ҳакимжон Халилов ҳам икки бор ана шу мамлакатда бўлиб ишлаб чиқариш жараёни билан обдон танишди, янги, энг замонавий технологияни, бошқарув тизимини ўрганди. Қарабсизки, 1996 йилда Ўзбекистон ва Япониядаги «Маруби» фирмаси ўртасида тузилган шартномага кўра ишлар бошлаб юборилди. Комбинат ҳудудидан корхона учун зарур бинолар ажратилиб таъмирлашга киришилди. Керакли дастгоҳлар ва бошқа механизмлар келтирилди. Мавжуд биноларни мослаштириш, машина ва механизмларни монтаж қилиш ишлари Япон мутахассислари раҳбарлигида амалга оширилди. Айтишларича, бу ерда қўлланилаётган технология дунёда фақат Япония ва Италиядагина мавжуд экан. Қўшма корхона ўша йилиёқ рўйхатдан ўтказилди. Мутахассислар танланди ва иш ўргатилди. Бугунги кунда бу ерда меҳнат қилаётган 320 нафардан ортиқ ишчининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёни оддий пиллани қайта ишлашга қараганда хийла мураккаброқдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, олдинлари асосий қисми ташлаб юбориладиган, юқори сифатли деб топилган қисмигина четга сотиб келинган «пачоқ» аввалига қайнатилади, кейин сараланади. Сўнг қуритилади. Катта ва кичик тароқлаш цехларида қайта ишланади. Ундан сўнггина йигирув ва пишитиш цехларига ўтиб тайёр ипак ҳолатига келтирилади. Ҳозирдаёқ шу нарсани мамнуният билан айтиш мумкинки, ўтган сал кам бир йиллик давр ичида бу ерда ўз ишининг усталари етишиб чиқди. Инженер-техник ва цех раҳбарларидан Комилжон Иброҳимов, Равшан Бакиров, Раҳимжон Абдуллаев, илғор ишчилардан Марғуба Мавруловa, Зулфия Тожибоева, Феруза Соттиева, Муқаддас Мирсаидова, Феруза Тожимирзаевалар номини мамнуният билан тилга олса арзийди.

Ишловчилар учун муносиб шарт-шароит яратилган. Цехлар озода, саранжом-саришталик ҳукмрон. Цехларда гард учмайди. Ошхонадаги овқатлар мазали, арзон. Ойлик маошлар ўз вақтида бериб борилмоқда. Ҳисобхонадан маълумот беришларича, корхонада ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 5600-6000 сўмга етиб боряпти.

Қўшма корхона кун сайин оёққа турмоқда. Чунончи, ўтган йилда 22,3 тонна қазна ипак (чиқинди пилладан маҳсулот) ишлаб чиқарилиб, унинг 14,1 тоннаси экспорт қилинди ва 480 минг АҚШ доллари миқдорида валюта тушумига эришилди. Амалдаги йилда бу кўрсаткични 2.250 минг АҚШ долларига етказиш ёки 90 тонна қазна ипак тайёрлаш мўлжалланмоқда.

Албатта, эзгу ният ҳар қандай кишига куч-қувват бағишлайди. Аммо олдинда турган улуғвор режаларни бажариш учун етарли шарт-шароит бўлиши ҳам керак. Шу жиҳатдан олганда айрим муаммоларни ҳал этиш талаб қилинади.

— Ишлаб чиқаришимиз қуввати йилига 156 тонна қазна ипак ишлаб чиқаришга мўлжалланган, - дейди қўшма корхона раҳбари Ҳакимжон Халилов. - Бунинг учун эса 520 тонна хомашё керак. Холбуки, вилоятимиз бўйича ҳар йили 200 тонна атрофида шундай маҳсулот тайёрланади, холос. Қолган қисмини бошқа жойлардан топиш зарур. 1998 йилда хомашё тақчиллигидан кўзланган мақсадга эришилмади. Мамлакатимиз миқёсида эса 1,5 минг тонна атрофида ана шундай пилла тайёрланади. Ҳамма гап уларни бизга вақтида етказиб беришларида. Яхшики, бахтимизга «Ўзбек ипаги» уюшмасининг янги раҳбарияти бизга нисбатан муносабатни ўзгартирди. Корхонамизни хомашё билан узлуксиз таъминлаш юзасидан тадбирлар белгиланиб аниқ режалар графиги тузилди. Шунга кўра амалдаги йилнинг июн ойидан бошлаб корхонанинг тўла қувват билан ишлаши учун ойига 43 тоннадан хомашё етказиб бериш кўзда тутилмоқда.

Наманганда ги янги қўшма корхонанинг тўла қувват билан ишлайдиган, мамлакатимиз иқтисодиётига ўзининг баракали улушини қўшадиган кунлар яқин қолди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.**

*Жаҳонга юз тутган юртим!*

## ТАДБИРКОР ОМАДИ

Муҳаммаджон Муҳиддинов Самарқанд шаҳрида «Сатурн» савдо ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этган вақтда жуда узоқни кўзлаган эди. Ўша даврда барча жойларда иқтисодий танглик ҳукм сурар, корхона ва хўжаликлар мураккаб аҳволдан чиқиш ташвиши билан банд эдилар. Бинобарин, қурилиш қилиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Очиғи, бунга аксарият ҳолларда имконият етишмасди. Шундай вазиятда тез орада ўнгланиш бошланишини Муҳаммаджон ака кўра билган экан. Унинг раҳбарлигидаги фирма жамоаси ўз фаолиятини қурилиш ашёлари ва анжомлари таъминотига қаратди. Кўп фурсат ўтмай вилоятда, қолаверса, бутун республикамизда улкан қурилишлар бошланди. Шу жараёнда «Сатурн» ишлаб чиқариш савдо фирмасининг фаолияти кўлами кенгайди.

- Олти йил муқаддам фирма ташкил этилганда ишни муайян изга ва маромга тушириб олиш анча қийин бўлди,- дейди фирма раҳбари. - Аммо халқимиз энг оғир вақтларда ҳам бунёдкорлик ишларини эътибордан четда қолдирмаган. Бизнинг асосий ишончимиз ана шу бўлди. Мақсадимиз қурилиш корхоналарини ва аҳволни қурилиш ашёлари билан иложи борича тўлиқроқ таъминлашдир. Бунинг учун биржа орқали чет давлатларга маҳсулот чиқариб, унинг ўрнига ёқоч- тахта, метал, шифер каби бир неча ўнлаб турдаги қурилиш анжомлари ва ашёлари келтирамиз. Биз ўз мижозларимизга ва ҳамкорларимизга асло панд бермасликни қоида қилиб олганмиз. Ишимиз ривож топаётганининг асоси мана шунда бўлса, ажаб эмас.

Касбим тақозосига кўра жойларда бўлганимда вилоятдаги кўпгина қурилиш ташкилотлари раҳбарларидан фирманинг таъминот борасидаги фаолиятидан қониқишларини эшитганман. Бундан ташқари Жиззах, Қашқадарё, Бухоро, Навоий вилоятларидаги бир қанча йирик қурилиш корхоналари ҳам мазкур фирма билан яқин ҳамкорлик қилишаркан. Ахир, қурилиш ишларини суръати таъминотга бевосита боғлиқ-да.

Шуниси эътиборлики, фирма жамоаси қурилиш ашёларини аҳолига сотишда анча арзон нарх белгилаган. Бу ҳам ижтимоий ҳимояга, турмуш фаровонлигини оширишга кўмаклашишнинг бир усули. Жамоа фақат таъминот ишлари билан чекланиб қолмаган. Бу ерда эшик ва ромлар ясаш, ишлаб чиқариш, қурувчилар учун махсус иш кийими, қўлқоплар тикишни йўлга қўйиш режалаштирилган. Яқин вақтларда ушбу ниятлар амалга ошиши кутилмоқда.

Фирмада бўлган кунимиз иш шароитлари билан ҳам қизиқдик. Жамоа ўттиз кишидан иборат экан. Корхонадаги барча иш жойлари тоза, озода. Дам олиш хоналари бугунги давр кишиси дидига мос жиҳозланган. Душ, бассейн ишчилар ихтиёрига берилган. Тушлик овқат харажатларини корхона ўз зиммасига олган.

Раҳбарият ҳар бир ишчининг, ходимнинг турмушига, оилавий аҳволига доимо эътибор беради,- дейди фирма ходими Ф.Саттo-ров.- Муҳтожларни, зарурат туғилганда бошқаларни ҳам моддий- маънавий қўллаб- қувватлаш анъанага айланган. Интизом мустаҳкамлиги, иш унуми юқорилиги шунинг натижасидир.

Жамоанинг савоб ишлари кўп. Масалан, байналминал жангчилар уюшмаси, Самарқанддаги «Темур» футбол командасини, тиббиёт коллежини моддий қўллаб- қувватлашга каттагина маблағ ажратилди. «Дамариқ» маҳалласидаги ободончилик ишларига амалий ёрдам берилди. Халқ манфаатига бўйсундирилган ҳалол тадбиркорлик ҳамда беминнат савоб ишлар уйғунлашуви «Сатурн» фирмасининг улкан ютуқларига замин яратмоқда.

**Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.**

«Зилола» фирмаси хизматидан нафақат қизилтепаликлар, балки навоийликлар ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Дурадгор, сартарош, сантехника, сурат ва автомобилларни созлаш усталарининг беминнат хизмати кўпчиликнинг ҳожатини чиқаришда айни муддао бўлмоқда. «Ташаббус-96» республика конкурсининг нишондори бўлган «Зилола» кун сайин ўз хизмат турларини кенгайтирмоқда. Жумладан, фирма чиқараётган шлакаблок ғиштлари янги уйлар қураётган аҳолига айни муддао бўлса, новвойхонада ёпилган бўрсилдоқ нонлар дастурхон кўрки бўлмоқда. Қолаверса, авлодларимиздан мерос усталарнинг моҳир қўллари ва қалб қўри билан антиқа зардўзлик маҳсулотлари миллий маданиятимиз намунасига айланмоқда. Рустам Саломов раҳбарлик қилаётган мазкур фирма маҳсулотларига Челябинск, Магнитогорск, Белорус ва Қозоғистон каби юртлардан буюртмалар бор.



**Суратда: ўз ишининг устаси,бичиқчи Нафиса Ражабова.**

## ДАВР ТАЛАБИГА МОС

Ўзбекистоннинг янги тарихини, миллий истиқлол ғояларини кенг тарғиб ва ташвиқ этишда мамлакатимиз тарихчи олимлари катта фаоллик билан иш юритмоқдалар. Бундай муҳим илмий жараёнга «Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази» бошқош бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг янги тарихини ёзиш ва ўргатиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самараларини бера бошлади. Ўрта мактаблар учун дарсликлар яратиш ҳам ўзининг ижобий натижасини берди.

«Ўзбекистоннинг янги тарихи» уч жилдлик китоби устида ҳам жиддий иш олиб борилмоқда. Ушбу нашрнинг қўлёзмаси тайёрланиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига берилди.

Туркистонда миллий озодлик ҳаракати тарихи тадқиқини яратишга ҳам киришилди. Ҳозир мазкур йирик илмий асар устида таниқли тарихчи олимлардан иборат муаллифлар махсус гуруҳи шуғулланмоқда.

«Туркистон жадидлари» деб аталган нашр ҳам босмага тайёрланмоқда. Фотобиографик альбом кўринишида чоп этиладиган бу тўплам учун кўпгина зарур материаллар йиғилди.

Шу билан бирга «Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олиниши» деган номдаги нашр ҳам китобхонларга тақдим этилади.

**«Соғлом авлод учун» ҳалқаро жамғармасининг фаолият доираси кенгайиб бормоқда. Унинг ҳалқаро миқёсда обрўйи ортиб, ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланмоқда.**

## ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга қаратилган хайрли ишлар ҳам яхши самаралар бераётганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Бу борада амалга оширилаётган халқаро ҳамкорлик туфайли тиббий, инсонпарварлик ва инвестицион дастурлар ишлаб чиқилди. Шулардан учтаси ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланди.

Тиббий-ижтимоий ҳимоялашга қаратилган дастурга ҳам кенг амал қилинмоқда. Ушбу дастур асосида тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича ўндан ортиқ кўчма гуруҳ тузилди. Замонавий ташхис қўйиш жиҳозлари улар ихтиёрига бериб қўйилди. Шу асосда республикамизнинг барча ҳудудларидаги оилаларнинг тиббий-ижтимоий ҳолати бирма-бир ўрганилмоқда.

Халқаро жамғарма чет эл ташкилот ва муассасалари томонидан маблағлар билан ҳам таъминланмоқда. Олинаётган бу грантлар ҳисобидан меҳрибонлик уйлари, болалар диспансерлари, соғлиқни тиклаш марказлари тиббиёт асбоб ускуналари, турли дори-дармонлар билан таъминланмоқда.

Кейинги вақтда жамғарма ўндан ортиқ грантга эга бўлиб, кўплаб миқдорда пул маблағини қўлга киритди. Силга қарши кураш олиб бориш борасидаги ташаббуси немис Бундесвери томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда флографик қурилма билан тақдирланди. Бу сил касаллигини олдиндан аниқлаш имконини бермоқда. Ҳозир бу тиббий қурилма Ўзбекистон фтизиатрия ва пульмонология институтига ўрнатилган.

Жамғарма «Берингер Ингельхайм» компанияси ҳимматидан ҳам жуда мамнун. Бу нуфузли компания инсонпарварлик ёрдами янглиғ 80 минг доллар миқдоридаги дори препаратларини жамғармага ҳадя этди.

Жаҳонга яхши танилиб қолган Америкадаги «Проктер энд Гэмбл» компанияси билан ҳам жамғарма яқин алоқани йўлга қўйди. Ўзаро ҳамкорликда амалга оширилаётган «Соғлом тери-соғлом гўдак» деб номланган таълимий дастур ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Компания яқинда 350 минг доллар миқдорида ёрдам пули ажратди. Бу маблағ Фарғона вилоятида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларга, болалар ва даволаш муассасаларига берилди.

Олинган грантлар маблағи ҳисобидан «Чортоқ» болалар санаторийси, Тошкентдаги 5-болалар шифохонаси ва бошқа саломатлик масканлари замонавий тиббий асбоб-ускуналарга эга бўлдилар.

**А.АКБАРОВ**

*Огоҳ бўлинг, одамлар!*

**Табиатан оғир, вазмин, ўзининг кўп йиллик тарихида турли-туман ҳийла-ю найранг, истило-ю босқинларни бошидан кечирган, оқ-корани таниган халқимиз тинч ва осойишта кунлар учун шукрона айтиб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Қошига чанг инган юртдошларимиз қарийб тўрт миллион тонналик ғалла ҳосилини кечани кеча, кундузни кундуз демай йиғиб олмоқда. Далаларда кулф уриб ўсаётган ғўза куёш тафтию зилол сув билан бирга деҳқон меҳрини ҳам симирмоқда...**

## ХУРОФОТ - ЖАҲОЛАТГА, МАЪРИФАТ-ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛАЙДИ

Айни шу пайтда тинч ҳаётимизни издан чиқармоққа уринган, Юртбошимиз, унинг сиймосида халқимиз ва азиз Ватанимизга тажовуз қилган, бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган бир гуруҳ кимсалар устидан суд жараёни давом этмоқда. Уларнинг қабиҳ нияти фош бўлиб, ўз қилмишларини тан олиб, тавба-тазарру қилмоқдалар.

Шу ўринда жамият ҳаёти доим ҳам сокин дарё каби бир текис кечавермаслигини, ҳаёт кемаси гоҳ асов тўлқин, гоҳ гирдобларга дуч келиб туриши ҳақида ўйлаб қоласан. Яхшилик билан ёмонлик, хурофот билан маърифат орасидаги кураш абадиймикан, деган ўйга борасан. Йўқса, тинч тараққиёт йўлини танлаб олган ёруғ келажакка интилиб яшаётган инсон манфаати ҳар нарсадар улуғ, деган олижаноб тамойилга амал қилиб, эркин фуқаролик жамияти барпо этаётган Ўзбекистон кимга ёмонлик қилди? Унинг бировга на ҳудудий, на моддий, на ғоявий даъвоси бўлмаса, бирон мамлакатнинг ички ишига аралашмаса, борини асраб, йўғини яратиб ўз йўлидан бораётган бўлса?

Оллоҳни қалбига, юрагига жо этиб, тинч меҳнат қилиб яшаётган халқнинг бировга зарари тегяптими?

Бу қабиҳ ишга ўз Ватанимиз, ўз халқимиз бағрида ўсган, шу муқаддас заминнинг нонтузини тотиб катта бўлган кимсалар қўл урганини, айниқса ачинарлидир. Уларнинг тўғри йўлдан тойиб, хориждаги айрим экстремистик марказ ва мутаассиб оқимлар таъсирига берилиб кетишига, сохта ғоя ва миннатли садақаларга учишига нима сабаб бўлди экан?

Биз бағри кенг, барчага хайрихоҳлик билан қарайдиган, ҳаммани ўзимиздек биладиган, миллатдошларимизга малол келмасину, ўта ишонувчан халқмиз. Озодлигимизнинг дастлабки йилларида, бу диндошимиз экан, бу эса юртдошимиз экан, деб хориждан оқиб келган турли-туман намояндаларга қучоғимизни ҳаддан зиёда кенг очиб юбормадикмикан? Оз бўлса-да, хотиржамликка берилмадикмикан? Айрим ота-оналар ўз фарзандлари нега ойлаб дом-дараксиз кетса-да, қаерда «ўқиётганини», қаерда «тижорат» қилаётганини суриштирмай лоқайдликка йўл қўймадилармикан?

Кўряпсизми, кишини ўйга толдирадиган бундай оғриқли саволлар нақадар кўп. Куни кеча бир ҳамкасбимиз икки бетли хурофотга чорловчи варақа кўтариб келди. «Ҳизбут-таҳрир»чилар эшигига ташлаб кетишибди. Талвасага тушиб қолган бу даъватчилар бузғунчилик ишларида норасида болалардан ҳам фойдаланишгача борибдилар.

Хўш, улар бизни нимага даъват этишмоқчи? Инсоният илм-зиёга, фазога интилаётган бир замонда биз яна кулоҳу жандаларга ўралиб, жаҳолат ботқоғига ботамизми? Хурофот ва миллий адоват мамлакатни не кўйларга солишини ён қўшниларимиз — Афғонистон ва Тожикистон мисолида кўрмаяпмизми? Мустабидлик ёмғиридан қутилиб, жаҳолат дўлига тутиламизми? Биз зулмат устидан нур, жаҳолат устидан маърифат, ёвузлик устидан эзгулик ғолиб келишига ишонамиз. Бундай даъвату таҳдидлар собит имонимиз, келажакка бўлган қатъий ишончимизга қутқу сололмайди. Зеро, йўли тўғрини Ҳақ ҳам қўллайди, дейдилар.

Шундай бўлса-да, ўнгу сўлимизга бир тийрак назар ташлаб олишимиз, ҳушёр тортишимиз, она Ватанимиз ва фарзандларимиз келажаги ҳақида яна бир бор чуқур ўйлаб кўришимиз керак эмасми? Лозим бўлса, инсоний эрк-ҳуқуқимизни, ота-боболаримизнинг асрий орзуси бўлган Истиқлолимизни, яхши ният билан обод этаётган Ватанимизни, ўзлигимизни ўзимиз асраб-авайламасак, ким асрайди?

Одатда, бирор хавф-хатар туғилса, гап Ватан ва миллат тақдирига бориб тақалса, халқ тез бирлашади. Биз ҳам ортиқча хотиржамлик ва бепарволикка барҳам бериб, жондошу қондош бўлиб яшасак, долғали замоннинг турфа «нағмаю шамоллари» ўтаверади. Чунки, дунё аҳли бор ҳақиқатни кўриб турибди.

Лекин мен юртдошларимизнинг ана шу юқорида айтилган саволлар ҳақида ўйлаб кўришларини, сабоқ ва хулосалар чиқаришларини истардим...

**Аҳмад ХЎЖА (ЎзА)**

